
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЭНДИ ВЕНГРИЯНИНГ ЭӖТВӖС ЛОРЎНД УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

21 июнь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Венгриянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида Ўзбекистон ва Венгрия ректорларининг илк форуми ўз ишини бошлаган эди.

Икки мамлакатнинг юқори мартабали давлат ҳокимияти вакиллари ва 30 га яқин нуфузли олий таълим муассасаси ректорлари иштирокида ўтган мазкур форум Фарғона давлат университетининг халқаро фаолияти учун ҳам янги истиқболлар эшигини очди.

Форум доирасида Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори Баҳодиржон Шермуҳаммадов ва Венгриянинг ЭӖтвӖс ЛорӖнд ТудомӖнегетем (ЭЛТЕ) Университети профессори Имре Хамар ўртасида меморандум имзоланди.

Ректорлар биргаликда икки мамлакат ўртасида қўшма дипломлар бериш имкониятига эга бўлган қўшма таълим дастурларини яратиш, венгер мутахассисларини олий ўқув юртига қисқа муддатли маърузаларга таклиф қилиш, Венгрия ОТМ базасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, қўшма илмий нашрлар, талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, Венгрия университетлари билан кимӖвий технологиялар, энергетика, машинасозлик, саноат технологиялари, биотехнология, суғориш ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармакология, фармацевтика соҳаларида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш юзасидан бир қатор келишувларни амалга оширдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-06-22 18:45:39